



ФРАНЦ КАФКА ИЖОДИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЯРАТИЛИШ ОМИЛЛАРИ

**Алфраганус университети
Махматкулова Зарина Нуриллаевна**

Аннотация

Мазкур мақолада Франц Кафканинг шакл ҳамда мазмунга эътибор бериш жиҳатлари ҳамда характерни қай тариқа типиклаштириш масаласи ҳикоялари негизида асосланди. Унда Франц Кафка ўз даврида ҳеч ким эътибор бермаган психоаналитика фани ҳамда, фалсафанинг уйғунлашуви бадийий ғояни мукамал кўринишга олиб келиш жиҳатлари талқин этилди.

Калит сўз: рамз, метафора, ҳикоя, услуб, усул, образ, тип, миф, ҳикоят, талқин.

Барчамизга маълумки, жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари ҳали ўзбек тилига ўгирилиб, машҳур бўлмаган пайтларига назар ташлайдиган бўлсак, собиқ иттифоқ йилларида жуда кўплаб асарларнинг бизга етиб келмаганига гувоҳ бўламиз. Бунга сабаб Ғарб адабий-эстетик тафаккуринг руҳимизга сингиб, ўзимизнинг дарду изтиробларимизга айланиб улгурмаган замонда фақат коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи. Халқ хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи одамлар обрзи яратилган асарларни ўқитиш, ўқиш мажбурий қилиб қўйилганди. Демак, йўқоилган қарийиб етмиш йиллик солномага татиғулик асар изтироблари янги давр концепциясида изсиз йўқолганича йўқ. Чунки тарғибот, ташвиқот рукнига доир адабиётларнинг вужудимизга сингиб кетиши ҳақиқий санъатни англашга монелик қиларди. XX асрнинг 90-йилларидан кейинги ҳақиқий истиклол шукуҳи натижаси ўларок, ўнлаб нодир асарлар ўзбек китобхонларига тўғридан-тўғри таржима қилиниб, маънавий мулкимизга айланаёзди. Булар Жеймс Жойс, Франц Кафка, Альберт Камю, Марсел Пруст, Эрнест Хемингуэй, Сомерсет Моэм ва қатор дунё ёзувчилари асарлари хонадонларимизда китоб бўлиб намоён бўла бошлади. Бу албатта, қувонарли ҳодиса. Биз олиб бормоқчи бўлган назарий-илмий диссертацион тадқиқотмиз ҳам ана шу бўшлиқни тўлдириш, ундаги поэтик моҳиятни англаш, ёзувчи ижодини қиёсан талқин қилишга қаратилгани бежиз эмас, албатта!



Ҳикоянинг назарий-илмий томонлари ҳақида сўз борганда кичик эпик жанр бўлишига қрамай, ундаги характерлар, ғоя ҳамда сюжет бирлиги нуктаи назаридан новелладан тубдан фарқ қилади. Новелла ёки ҳикоя орасидаги мавжудлик ҳақиқатдан ҳам бир-бирини тўлдириши мумкин. Аммо, ҳикоя жанри – ҳикоятдан ўсиб чиқанлигини далолатлайди. “Ҳикояда ҳар бир ҳаракат, ҳар бир воқеа ҳам характер очувчи восита, ҳам ўзидан кейинги рўй берадиган воқеа учун замин бўлиши керак. Ҳикояда ҳар бир воқеа мана шу икки хусусиятнинг биринигина, масалан, характер очиш учунгина хизмат қиладиган бўлса, у ўринда, кўпгина ҳикояларда учровчи воқеалар боғлиқлиги йўқолиб, тарқоқликка йўл қўйилади. Ёки, аксинча, агар бир воқеа ўзидан кейин келувчи воқеа учун фақатгина замин бўлиб келса-ю, характер очиш учун хизмат қилмаса асарда характер яратилмай, қуруқ баёнчилик биринчи ўринга чиқади. Икала кўриниш ҳам асарда бирёқламаликни юзага келтириб, унинг ғоявий-бадиий қимматини пасайтиради”¹. Мана шу назарий ақидаги диққат қилинса, XX асрда мафкура таъсирида яратилган минглаб ҳикояларда тоталитар тузум кайфияти, шахснинг эрксизлиги, муттаҳамлиги, мутелиги, ўғрилиги кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки ҳақиқий давр, тузум, цензуадан холи ҳикоялар Кафка айтганидек, “ўзнинг келажигига жавоб бера олиши тайин”. Франц Кафка бадииятида ана шу жиҳатларни муҳокама қилиш имконини беради.

Ёзувчи ва тафаккур мантиғи. Қадим-қадим замонлардан аввал оғзаки, кейин ёзма адабиётга кўчиб ўтган концепция – ёзувчи ёки умуман ижодкор ким деган савол ҳамма замонларда адабиётшунослару олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ақллар ҳукмдор деган ном олган француз адиби Альберт Камю шундай ёзади: “Тарихимизнинг ақлдан озган йигирма-ўттиз йилида ҳамма тенгдошларим қатори давр талвасаси олдида буткул эсанкираб ва ожиз ҳолда қоларканман, бу кунларда ёзувчи бўлиш шараф деган элас-элас ҳиссиётдан ўзимга таянч топдим, шунга кўра бу таянч менга мажбурият юклади. Хусусан, менга бизнинг умумий тарихимиз зарбаларини ўзига қаратганлар тақсимлаб олган бахтсизлик ва умидлар юкини кучим ва имконим қадар зиммамга олиш мажбуриятини юклади.”² Дарҳақиқат, ёзувчи бўлиш шарфа экан, унинг ботиний ва руҳий зўриқишлари, изтироблари муаллифни ҳар қандай вазиятда жиддий

¹ Адабиёт назарияси. 2-жилдик. 1-жилд. –Т: “Фан”. 1192.

² Альберт Камю. Бегона. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.450.



синовларга бошлайди. Шундай экан, Чехиялик ёзувчи миллати яхудий бўлган Франц Кафка ижодиётини ҳам шунга қиёслаш мумкин.

Ёзувчи ва ҳаёт дарслиги йиллар давомида тўпланадиган, инсоний муносабатлар, муҳаббат ва нафрат, меҳр ҳамда шафқат тушунчаларининг умумий йиғиндиси. Дунё адабиётида ана шу мезон ҳар биримизни мукамал асар ёзишга етаклайди. Жавлон уриб шеър ёзиш, ҳикоя ёки қисса, роман ёзиш мумкин, бироқ унинг бадиий қиймати ҳаминқадар бўлса, ундан ўзга одам англашда иккиланса, буни умри қисқадир. Ёзувчининг руҳий-ижтимоий ҳаёти ҳар бир инсон қалбидаги балқан ҳамиятга ўхшайди. Қаноат, матонат ва сарб ҳар бир ёзувчига олам-олам маъно, мазмун узатади.

“Сўз туйғуси, нутқ оҳанглари ва ранглари ҳис этишни шеър ўқиш ва яхши проза асарини мутолаа қилиш орқали ўстирса бўлади, аммо бу хусусиятлар, яхлит оҳангда, туғма дид ва мусиқий туйғуга боғлиқ... Ҳеч ким ёзувчини ҳаётни бундай кузатмасликка ва бундай ҳис этмасликка, балки бошқача ҳис қилиб, бошқача кўришга мажбурлай олмайди. Ўқиш ва ёзишни ўрганганидан сўнг ижодкор бошқалардан фақат бир нарсани, яъни қандай ёзмалик кераклигини ўрганмоғи мумкин. Ёзувчининг ҳақиқий устози ҳаётнинг ўзидир”³. Кўринадики, ҳаётнинг катта ва умумбашарий дарслигини ҳар бир ёзувчи у ёки бу даражада қалбидан ўтади. Шу қалбидан ўтказиш, англаш. Ҳис этиш учун ижодкор потенциали анчайин юқори бўлиши лозим. Бунинг учун изланиш, ўқиш, тушуниш, тушунтириш кабилар бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳамда уйғунлашиб кетиши тайин.

Франц Кафка – руҳ ва кўнгили изтироблари. ХХ асрнинг бошларида бир адабий тўлқин ҳаёт сахнасига кириб келаркан, унда ҳар бир ёзувчи ёки шоир ўз ролини ижро этиши муқаррар бўлиб қолади. Чунки Кафка ва Камюлар инсон тафаккурига дош бера олмайдиган хилқатни, бўлгандаям катта бир умидворликка эш туйғулар реализмини намоён этади. Шу маънода, тақдир уларни бирлаштириб турган умумий манзара – миф ва замон ичидаги одамдир. Одамнинг ботини, қалби, шуури, туйғулари, ҳиссиётлари ана шу жозибадор манзарани қайта кашф этишга етаклайди. Франц Кафка бухақда шундай ёзади: “Уйдан ташқарига чиқишингга ҳожат йўқ. Ёзув столингдан жилма ва тингла. Ҳатто тинглама ҳам, фақат кут. Ҳатто кутма ҳам, шунчаки сукут сақла ва ёлғиз бўл. Шунда олам ўзини ошкор этишни бошлайди, у бошқача бўла олмайди, у

³ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т: “Маънавият”. 2010. –Б.332.



сенинг қошингда иложсиз ўзининг арзу жамолини намоён этади.”⁴ Дарҳақиқат, ёзувчи ижодий лабораториясига кириб борарканмиз, унинг шахсиятидаги ўжарлик, ҳалоллик ва тўғрисиўзлик тушунчаси асарларига ҳам, улардаги қаҳрамонлар руҳиятига ҳам сингиб кетганлигини гувоҳи бўламиз. Франц Кафка олами – XX асрда кенг кўламда ўрганилган, ўрганилаётган ҳодисалардан бири эканлигига шак-шубҳа келтирмайсиз.

Инсон руҳиятида ҳеч қачон қониқмаслик ҳисси тугамайди. Онгу шууримизни банди қилган фикрат тушунчаси йиллар давомида сайқалланади. Унинг замирида эса, сўзга, матнга, воқеликка муносабатлар жипслашиб боради. Демак, ҳаётнинг чуқур бир мураккаб фрагментлари Кафка авлодининг ажралмас моҳиятига сингиб кетган. Бу ҳақда Назар Эшонқул шундай ёзади: “Кафка адабиётда инсон руҳидаги кўрқув ва хавотирни типиклаштириш даражасига олиб чиққан биринчи ёзувчи ҳисобланади. Унинг барча асарларида воқелик ва муҳит қаршида кўрқув, хавотирга тушган қаҳрамонларнинг изтироблари ҳамда кечинмалари бор бўйи билан гавдаланади. Бу кўрқув, энг аввало, мавжуд воқеликнинг, муҳитнинг тобе ва муте қилишга қаратилган хатти-ҳаракатидан туғилган. Ёзувчи бегона муҳитдан хатарга тушади, бу хатарни илоҳийлаштиради. Илоҳийлашган беоналик қаҳрамонни ютиб юбориш даражасида улканлашади, охир-оқибат қаҳрамон бу илоҳийлашган бегона хатарнинг беайб қурбонига айланади. Мазкур хатар дастлаб ўқувчига танишдай, одатдаги ҳаётий чигалликнинг манзарасидай туюлади, аммо асар ўқилган сайин худди алоғ-чалоғ туш каби манзара бегоналашиб, ётлашиб боради. бора-бора бу таҳдид ва кўрқув биз кўникка мантиқ чегараларидан чиқади, энди ўқувчи узун ваҳимали рўё ичида кезиб юргандай бўлади. Бироқ асар ўқиб бўлинганда идрокли ўқувчининг кўнглида ҳам асардан қолган кўрқув ва хавотир уйғонади”⁵. Келтирилган манбага кўшимча қилиш мумкинки, биринчидан, Кафка ўзи ожиз қолган лаҳзалардангина кўрқувни енгиш инстинктини пайдо қилади, иккинчидан, ўзи яратган мифологик қаҳрамонларнинг салбий ва ижобий хусусиятларини тамомила янгича мазмун касб этишини таъминлайди, учинчидан, жамиятнинг ичдан емирилиб кетиши, пароканда бир ҳолатга келиш динамикасини ягона эстетик марказга пайвандлайди, тўртинчидан, инсон руҳининг ёлғизлиги, изтиробли ҳаёти, тушуниксиз кайфиятини рамзларга ва метафораларга уйғунлаштиради.

⁴ <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/jahon-adiblari-adabiyot-haqida/>

⁵ Назар Эшонқул. Франц Кафка. –Т: “Академнашр”. 2014. –Б.276-277.



Дунё адабиётида мана шу каби тасвир экзислари А.Камю, Ж.Жойсларда кузатилар экан, Кафкадаги мавжудлик жумбоғини англаш ҳамда англариш принциплари тамомила бошқача рангларда, оҳангларда юзага чиқишини кафолатлайди. Мана шу жараён Кафканинг ҳаётий идроки, руҳи, фалсафаси, этикаси, эстетикасининг ажралмас қисмига айланиб улгурган десак, асло муболаға бўлмайди. Кафканинг табиатида ёвузликка мойил инсонлардан ҳазар қилиш, эзгуликни байроқ қилган одамларга яқинлашиш инстинкти мавжуд. Йўқса, Кафка ўз отасига ёзган мактубида қуйидаги масалаларни ёзиб ўтирмасди. Негаки „Отамга мактуб“да ёзувчи бағрини, ботинини руҳини қийнаётган масалаларга кенг тўхталиб, “мен киман?” деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилганлигида қабариб кўринади:

“Сен менинг ёзувчиликка мубталолигимни хуш кўрмаслигингда кўпроқ ҳақ бўлишинга қарамай, бу ҳадорлик яна қандайдир номаълум алфода орамиздаги муносабатга дахлдор бўлиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам бу тийқсиз мағулоти билан ҳатто кимнингдир оёғи остида қолиб, ярми эзилиб адо бўлган, аммо қолган қисми билан судралиб кетаётган чувалчангни эслатсам-да, ҳар қалай сенинг таъсиридан холи, ўз-ўзимча мустақил бўлиб қоламан. Бунда ҳузур-ҳаловат топдим, бошланиши билан кўзғалгувчи сенинг ажинанг, бу сафар истисно тариқасида мен учун ёқимли эди. Очиғи, менинг шуҳратпарастлигим, ўзимга меҳрим – сенинг одатий қилиқларингдан азобланар, биз учун ёд бўлиб кетган машҳур иборангни ҳар сафар қаршилаганимдаги туядиган туганмас изтиробларимни айтадиган бўлсам, масалан, мен ҳар сафар янги китобимни сенга такдим қилар эканман, “Тунги стол устига ўй, дея уни бир хил совуқ луқма билан қарши олардинги (бундан ҳам алам қиладигани, ачон китоб кўтариб келсам, карта ўйнаб ўтирган бўлардинг), асосийси, бир томондан шу аҳволинг ўзи ҳам яхши, балки шунинг учун ҳам эмасдир, алқисса, менда норозилик бош кўтарар, бу билан ўртамаздаги муносабатлар янгидан қарор топар, гўё бу жавобда “Сен бўшсан”нинг маъноси Сен озодсан“ қабалида эшитилгандай бўлар, бу эса менга эркин бир ҳаволарни ваъда қиларди”⁶.

Оиладаги муҳит ва ота меҳридан мосуволик бўлғус ёш Кафкани руҳан чинитиради. Унинг шахс сифатидаги мавқеини, муносабатини, одамлар билан ўзаро мулоқотини ҳам тартиблатиради. Шунинг учун ҳам, “Отамга мактуб” асарида Франц Кафка “очилади”. Кўнглидаги, онги шууридаги, муҳаббатини,

⁶ Франц Кафка. Отамга хат. –Т: “Янги аср авлоди”. 2022. –Б.176-177.



моҳиятга бўлган эътиборини, тафаккур чизиқларида синовдан ўтказди. Унинг кучли иродаси ва матонати жамиятда ёлғиз қолишлик азобидан қутқаради. Табиатидаги ҳалоллик ва олижаноб туйғуларга эш кун кечириш инстинкти ёш Францни руҳан кучли бўлишга етаклайди. Ота меҳрининг зулм ва залолат билан ўрин алмашинуви – она берҳининг чинакам ачиниш, вафо ҳамда садоқат рамиз бўлиб кўнглида из қолдириши худди ёвузлик устидан эзгуликнинг ғалаба қозонишини ёдимизга солади. Франц Кафка бадиий олами мураккаб ва ўта нозик хилқатни ёдимизга соларкан, чигал турмуши, ёлғизлиги, ҳеч кимни ўзининг оламида тушунишига етиб келмаслигини англаш эса қийин кечади. Кафка ўта эҳтиёткор бўилишга қармай, даврнинг, жамиятнинг, одамларнинг дарду ташвиши нима эканлигини жуда яхши биларди. Билгани боис ҳам, инсон руҳиятидаги сирлар, мураккабликларни келтириб чиқаридган вазиятларнигина ҳурмат қиларди. Шунинг учун уни тушуниб етиш мушкул бўлган. У қайси ва қандай мавзуда асарлар ёзмасин, Кафка туйғуларидаги модернистик қарашлар, реалистик дунёқараш билан уйғунлашиб кетганки, уни ҳеч ким ва ҳеч қачон ёдидан чиқара олмаса керак.

Франц Кафка ўзи яратган қаҳрамонлари қаршисида – зулмдан азият чеккан, ноҳақлик қурбони бўлган, ёвузликнинг ҳадди балоси энг юқорига ўрлаган вазиятлардагина “очилади”. Қаҳрамон ҳар бир оламида, ўзининг савқи табиий кечинмалари, характерларида янада очик ошкор намоён бўлади. Баайни дамда, ўзбек адабиётида Франц Кафка услубида ёзишга журъат ва ҳаловат топган ўнлаб ёзувчиларни санашимиз мумкин.

1. Назар Эшонқулнинг – “Гўрўғли” романи ёки Тун панжаралари“ қиссаси.

2. Улуғбек Ҳамдамнинг – “Ёлғизлик” қиссас ёки “Лола” ҳикояси.

3. Исажон Султоннинг – “Ўрмондаги кулба”, “Кичкина пуштиранг махлукча”.

4. Шодиқул Ҳамро – “Суратдаги аёл”, “Тушимдаги Оловхон” ҳикояси.

Бу рўйхатн давом этишимиз мумкин, лекин шу санаб ўтилган адиблар ҳамиша Франц Кафканинг руҳий оламидан баҳра олиб, ўз ижодини шакллантирганини тан оладилар, эътироф этадилар. Шунингдек, Франц Кафка – модернистик усулда асар ёзаркан, биргина “Эврилиш” ҳикоясидаги Георгий замзанинг қирқ оёққа (ҳашорот) айланиб жамиятга кераксиз бўлиб қолиши ҳақида сўз борганда юқоридаги “Отамга мактуб” эссесидаги руҳий изтиробларини кашф этиш мумкин бўлади.



Франц Кафка – идеали ва қахрамонларидаги характер бутунлиги. Кафка ижодидаги бадиий ғоя (идеал) тушунчаси қарийиб юз йил бўлса ҳамки, ҳеч биримизнинг тушунчамиздан, эътиборимиздан чеккага чиқмай келаётир. Чунки Кафка идеалида инсон ият тарихи ва бугуни мужассамдир. Шу маънода, унинг “Эврилиш” ҳикоясидаги чувалчанг ёки қирқоёқ образига тушиб қолган мифологик қатлам ана шу идеалнинг ажралмас ҳалқасига айланган. Проф.Д.Қуроноф: “Бадиий асарда биринчи галда ўша бетакрор ҳодиса – ижодкорнинг идеал сари борадиган йўлнинг бир босқичи, бошқача айтсак, маънавий-руҳий оламнинг идеал нурига тўйинган даври акс этади. Санъаткорнинг бунга қадар ва бундан кейинги ҳаёти асарга бевосита алоқадор бўлолмайди. Зеро, ўзининг реал мавжудлигидан кечиб ўзга дунёда – идеал кўйнида яшаган, тотли азобга йўғрилган ижод онларида санъаткор тамоман бошқа одам, бошқа оламдир. Шу боис, бадиий асарга ёндашиш ва баҳолашда ижодкорнинг реал ҳаётда қилган ишларига, шахсиятига хос хусусиятларга асосланиш ярамайди⁷. Мунақид айтмоқчики, ёзувчи илк идеал ғояси билан ўзининг шахсиятини намоён қилиб бўлади, ундан кейинги ҳаётини мулоҳазалари асарларида бошқача бўлиши мумкин эмас, унинг таъсирида қолиб кетиш эҳтимоли катта деган ақидани илгари суряптти. Шунинг эътиборига олсак, Франц Кафка идеал “Эврилиш” ҳикоясидан ўсиб чиққан мантиқ ҳамда материя билан бевосита боғлиқдир. Унинг бошқа ҳикоялари ана шу мантиқнинг турли кўринишларида акс этишидир. Жамиятга инсоннинг қайси вақтда кераклиги, қайси вақтда ноқералиги асарларидаги характерлар ва уларнинг юзага чиқиш манераси билан ўлчанади.

“Франц Кафканинг барча асарлари орасида “Эврилиш”ни энг аълоси дейиш мумкин. Бошқа асарларидан фарқли равишда, ушбу ҳикояда бетиним давом этадиган узундан-узук, баъзида зерикарли мулоқотлар, қайтариқ ва чалкашликлар йўқ. “Эврилиш” том маънодаги аниқ, ипидан-игнасиғача ҳисоблаб чиқилган, ҳар бир сўзи эса тарозида тортилган асардир. “Эврилиш” жаҳон ҳикоячилиги тарихида фавқулодда ҳодиса бўлиб, ҳикоянавислик маҳоратини улкан поғона, юксак чўқига кўтаркан. Фикримизча, Франц Кафка Греогр Замза образига қалбининг бир бўлагини сингдириб, майли, атайин бўлмаса ҳам адабий анъаналар руҳини ўз услубига хос тарзда акс этириб, уни китобхонлар юрагида

⁷ Қуроноф Д. Мутулаа ва идрок машқлари. –Т: “Академнашр”. 2015. –Б.332.



ҳам жонлантиришга умид қилган”⁸, – дея ёзади академик Акмал Саидов. Ҳақиқатдан ҳам, Кафка ҳикоялари орасида “Эврилиш” алоҳида ўрин эгаллайди. Сюжетнинг тиниклиги ва қўйилган масаланинг аниқлиги, ёзувчининг ижодий концептуал қарашлари, “нима демоқчиман” қабалидаги иш тутиши ўқувчини бир асрки вақтдан буён ўзига ром этишда давом этиб келаётир. Кафка ана шу заминдаги бўлаётган, бўйлиши мумкин бўлган бадий олам билан ўқувчисини таништираркан, ҳаётнинг чигалликларидан қандай чиқиб кетиш, кулфат дориганда одам ўзини иродасини заиф бўлса мустаҳкамлаш йўлини топиш ҳақида қаттиқ қайғуради, ўз табиати, идроки, руҳи билан мисоллар негизида жавоб топишга эришади. Шу жиҳатдан олиб қаралган, Франц Кафка бадий оламида ҳикоянинг ҳали мисли ўқрилган шаклу шамойили мавжудлигини сира унутиб бўлмайди.

“Бир куни эрталаб нотинч уйқудан уйғонганида, Грегор Замза ўзини каовотида даҳшатли ҳашоротга айланган ҳолда топди...” Кафка сюжетни шундай бошлайди ва энг қизиғи – бунга тайёргарлик ҳам кўрмайди, ўқувчини ҳам тайёрламайди. Асарда абсурд бирдан юзага келади. Бу реалистик воқелик билан фантастик элементнинг кескин тўқнашуви, Кафка услубининг эса асосий нуқтасидир. Кафка фантастик воқеаларни ҳам фавуқлодда оддий, худди кундалик тарзидек тасвирлай олади. У ҳашоротни ҳам на ҳаяжон, на жирканиш ва на кўрқув билан тасвирлайди. Аксинча, барчаси аниқ, совуқ ва техник тил орқали ифодаланадики, қаҳрамон мутлақо ғалати ва абсурд ҳолатда ва бу ҳолат ҳис қилингани каби туш бор – у одам қиёфасидан чиқиб кетган бўлса ҳам, уйдан ва инсоний масъулиятларидан ташқарига чиқиб кетолмаган”⁹. Дарҳақиқат, мунаққид ва кафкашунос олим Владимир Набоковнинг илмий фарзлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки ҳикоянависликнинг миридан-сирига қадар англазган мунаққид Кафка оламини жиддий таҳлилу талқин қилганлигини ҳис эта бошаймиз.

⁸ Саидов А. Франц Кафка – телба дунёнинг даҳоси. –Т: “Янги аср авлоди”. 2022. –Б.17.

⁹ Нобаков В. Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳақида маъруза. –Т: “Янги аср авлоди”. 2025. –Б.173